



Ватан учун, миллат учун, халқ учун!

Birgalikda ijtimoiy davlat sari!

O'zbekiston Ovozi

Ijtimoiy-siyosiy gazeta



t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi



facebook.com/uzbekistonovozi



instagram.com/uzbekiston_ovozi



www.uzbovozi.uz



info@uzbovozi.uz

№34

2025-yil

27-avgust, chorshanba

1918-yil

21-iyundan chiqqan boshlagan



ЭЪТИРОФ

МЕХНАТНИНГ МЕВАСИ ШИРИН БЎЛАДИ



34 йил. Бу тарих учун жуда қисқа, ўзбекистонликлар учун узоқ ва машаққатли тараққиёт йўли. Мухими, ватандошларимиз ҳам мустақиллик билан бирга тетапоя қилди, фикр билдиришни, ташаббус кўрсатишни, ҳуқуқларини ҳимоялашни ўрганди. Шу вақт давомида жаҳонга ким эканимизни, кучимиз ва қудратимизни, улкан режаларимиз, катта орзуларимиз, эзгу мақсадимизни намоён қила олдик. Бугун Ўзбекистон ўз сўзи, қарашларини эркин ифода эта оладиган, глобал масалалардаги тақлифлари билан халқаро ҳамжамият эътиборини жалб қилиб келаётган аҳдида содиқ мамлакат сифатида эътироф этилмоқда.

Санасак, адоғи йўқ ютуқлар, забт этилаётган янгидан-янги марралар — буларнинг барчаси оқилона давлат сиёсати, меҳнаткаш халқимизнинг иродаси мевасидир. Маълумотларга қараганда, айни пайтда жаҳонда турли миллат ва элатлар 7200 га яқин тилда сўзлашар экан. Бироқ уларнинг атиги 0,2 фоизи ёки 246 миллат ўз миллий давлатчилигига эга ҳисобланади. Мана шунинг ўзи ҳам мустақиллик Ўзбекистон учун энг улуғ, энг азиз неъмат эканини кўрсатади.

Маълумки, миллий давлатчилигимизни, ўзлгимиз ва инсоний ҳақ-ҳуқуқларимизни тиклаб берган, барча ютуқ ва марраларимизнинг замини бўлган Мустақиллик байрами арафасида фидойи ҳамюртларимизни тақдирлаш, уларнинг меҳнатини эътироф этиш яхши анъанага айланган. Давлатимиз мустақиллигининг 34 йиллиги муносабати билан Президент Фармонига биноан турли соҳа вакиллари юксак орден ва медаллар билан тақдирланди. Улар орасида Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг жонкуяр аъзолари ҳам борлиги қувонарли. Партиядошларимизни мукофотлар билан табриклаш баҳонасида уларнинг қувончи ва кечинмаларига қулоқ тутдик.

2

САҲИФАДА

СЎЗ – ФАОЛЛАРИМИЗГА!

БАЙРАМ АРАФАСИДАГИ ЎЙЛАР

Мустақилликка ҳар хил таърифлар берилади, унинг аҳамияти, қадрини улуғлашга ҳаракат қилинади. Мустақиллик — аввало эркинлик, улуғ неъмат десак, энг мақбулини айтган бўламиз. У бизга ўз тақдиримизни ўзимиз белгилаш ҳуқуқини берди, адолатли, демократик, инсонпарвар жамият қуриш, ўз миллий давлатчилигимизни ривожлантиришга имконият яратди.

Хуллас, қанча таърифламайлик, унинг қадрини, аҳамиятини тўлалигича баён эта олмаймиз. Фақат бир нарса айёнки, бу бебаҳо неъматни ҳар ким ўз тақдирда тутган ўрни, ўз ҳаёти, оиласи мисолида англайди, ҳис этади.

Кўриб, гувоҳи бўлиб турибмиз. Истиқлол йилларида барча ҳудудларда элимиз кутган, орзу қилган жуда катта янгиликлар, яхшиликлар бўлди. Мамлакатимиз тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйиб, барча соҳа ва тармоқларда туб ислохотлар амалга оширилди.

34 йил олдин истиқлол остонасига қадам босган Ўзбекистон бугун анча дадил, жаҳон саҳнида ўз сўзи ва ўрнига эга бўлиб бораётган давлатлар қаторига кира олди.

Улкан мақсадлар сари қўйилаётган дадил қадамлар, оқилона сиёсат ва албатта, халқимиздаги интилувчанлик барча ютуқ ва натижаларнинг манбаидир.

Хўш, Мустақиллик байрами арафасида юртдошларимиз, Халқ демократик партияси фаоллари кўнглидан нималар ўтмоқда?

4

САҲИФАДА

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУҲИМ ДАРВОЗАСИ

Тузли қумлари Сибиргача етиб, дунё аҳлини ташвишга солаётган Орол муаммоси бутун инсоният муаммоси бўлиб қолди. Қаердандир сув топиб Оролни тўлдириш ҳаёлий эртақлар сингари. Денгизнинг қуриган тубидан кўтарилаётган тузни тўхтатиб бўлмас эди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг юксак минбаридан туриб, қуриётган Орол биргина минтақамиз муаммоси эмас, аср фожиаси эканини қайта-қайта дунёга эслатди. Орол денгизининг қуриган ҳудудларида ўрмонзорлар барпо этиш ишларига жадал киришилди.

► (Давоми 5-бетда)




НИГОҲ

ИЖТИМОЙ ТАРАҚҚИЁТНИ ЖАДАЛЛАШТИРУВЧИ КУЧ

Катта ва ўрта авлодга маълум, элимиз бошидан шундай замонлар ўтдики, мулкдор бўлиш, тадбиркорлик қилиш жиноятга тенглаштирилди. Ушбу фаолият тури билан шўғулланиш қонуна таъқиб остига олинди. Ваҳоланки, тадбиркорлик тийнатида ишбилармонлик, йўқдан бор қилиш салоҳияти мавжуд халқимизнинг азалий касб-у кори бўлган.

Ҳеч шубҳасиз, мустақиллик туфайли ҳар бир инсоннинг мулкдор бўлиш ҳуқуқи Асосий қонун билан мустаҳкамланди. Иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш, кўп укладли соғлом рақобатга асосланган ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш чора-тадбирлари самарасида юртимизда хусусий мулкдорлар қатлами шаклланди. Бугун тадбиркорлар шундай кучга айландики, давлатимиз раҳбари қайд этганидек, ҳар бир соҳа, ҳар бир ҳудуд ва ҳар бир маҳалладаги ўзгаришларда уларнинг ҳиссаси катта.



3

САҲИФАДА

ЭЪТИРОФ

МЕХНАТНИНГ МЕВАСИ ШИРИН БЎЛАДИ

► (Давоми. Боши 1-бетда)



Хусан ЭРМАТОВ,
“Ishonch” ва “Ishonch-Doverie”
газеталари бош муҳаррири,
сенатор, “Ўзбекистон
Республикасида хизмат
кўрсатган журналист” фахрий
унвони соҳиби:

— Журналистика соҳасида ишлаётганимга ўттиз йилдан ошди. Ҳар бир йўналишда астойдил, қўлимдан келганча шу касбни ардоқлаб келмоқдаман. Мустақилликнинг илк йилларини жуда яхши эслайман. Мисол учун, соҳибқирон Амир Темуր номидаги майдоннинг ҳамда унга ёндош ҳудудда Темурийлар музейининг очилиши воқеалари кўз ўнгимдан кетмайди. Ўша куни “Ўзбекистон овози” газетасида ишлар ва айна санада навбатчи эдим. Тонгда газетани босмага топширгач, ғира-ширада майдонни айланиб, унинг биринчи зиёратчиларидан бўлганимизни фахр билан эслайман. Мамлакатимиз мустақиллигига раҳна солишга интилган кучлар жуда кўп эди. Улар баъзи йилларда манфур мақсадлари йўлида бузғунчилик ишларини қилишга эришди ҳам. Демокчи бўлганим, мустақиллик ўз-ўзидан бериладиган, осонгина эришиладиган нарса эмас.

Аввало, иқтисодиёт тармоқларининг ишлаб туриши фақатгина Ўзбекистонга боғлиқ бўлмаган. Эсланг, пахта етиштиришга мослашган Ўзбекистоннинг хом ашёси олис Иваново шаҳридаги тўқимачилик корхоналарида тайёр маҳсулотга айланарди. Додингни кимга айтасан?

Биз чорак аср дунёга интилиб, ўзимизни халқаро майдонга танитишга интилиб келган бўлсак, охириги йилларда баралла айта оламани, энди дунё Ўзбекистонга, янгиланган Ўзбекистонга интила бошлади. Бунга Самарқанд ва Тошкент шаҳарларида бўлиб ўтган халқаро миқёсдаги нуфузли анжуманлар, уларда дунё сўраган сиёсатчиларнинг юртимиз сиёсатига муносиб баҳо бера бошлагани яққол далил бўла олади.

Айнан мустақиллик туфайли миллий давлатчилигимиз қайта тикланди. Ўзбекистон янги тарихий даврга қадам қўйди. Айнан истиқлол туфайли жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгалладик. Бу билан ҳар қанча фахрлансак, ғурурлансак арзийди.

Энди соҳамиз ҳақида икки оғиз айтай. Атоқли ҳадижд аждоғимиз Ҳожи Муин “Матбуот тарихи — Уйғониш даври тарихининг бир бўлагидир”, деб таъкидлаган. Ҳеч шубҳасиз, бугун айна йўлдан бораёلمиз. Хусусан, кейинги йилларда, аждодларимиз бошлаб берган ибратли анъаналарни давом эттириб, демократик жамиятнинг муҳим шартини ва тамойили бўлган оммавий ахборот воситаларини изчил ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикада фаолият кўрсатаётган 2 400 га яқин ОАВнинг 65 фоизи нодавлат сектор ҳиссасига тўғри келаётгани, хусусий нашрлар, телерадиоканаллар, интернет ресурслари тобора ортиб, улардан фойдаланувчилар сони 35 миллионга яқинлашаётгани, ахборот контентларини яратувчилар сафи кенгайиб бораётгани, шубҳасиз, мамлакатнинг медиа соҳасидаги салоҳиятини оширишга хизмат қилмоқда.

Бугун Ватанимиз мустақиллигининг 34 йиллигини қутиб олиш арафасида турибмиз. Мана шундай шуқуҳли кунларда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист унвонига сазовор бўлиш қувончимни ўн чандон ошириб, чексиз ҳаяжонга буркади. Яна бир алоҳида жиҳат, бу йил бир йўла уч нафар журналист “Хизмат кўрсатган” унвонига муносиб кўрилди. Яна ўттиздан зиёд ҳамкасбларимиз турли орден ва медаллар билан тақдирланди. Бу алоҳида эътибор. Мен айна эътиборга биз нечоғли ҳақли бўла оляпмиз, деган саволни кўп бор ўзимга бераман. Очиғи, миллий медиаоламида ҳали дунёга тенглашиш борасида қиладиган ишларимиз кўп. Қолаверса, миллий контент устувор майдонга айлангани йўқ, десак, бу ҳам ҳақиқат. Демак, бу мукофотларни ўзимизга аванс ўлароқ қабул қилишимиз, келгусида ҳозиргидан каррасига кўпроқ ва сифатлироқ контентлар яратиш устида тинимсиз ишлашимиз керак. Ўйлайманки, бу фикримга ҳамкасбларимиз ҳам тўла қўшилишади.

— Бир мамлакат тараққий этмоқчи бўлса, аввало унинг халқи ҳар томонлама соғлом бўлиши лозим. Яъни, дунё ривожланиши учун тинчлик қанчалар муҳим бўлса, инсон учун саломатлик шу қадар аҳамиятлидир. Чунки хаста кишининг тузалиб кетишдан бошқа ўйи бўлмайди, янгиликлар яратиш, ташаббус кўрсатиш учун ҳам руҳ, ҳам танага қувват керак.

Эътиборлиси, давлатимиз бу ҳақиқатни чуқур англаган ҳолда сиёсат юритиб келмоқда. Натижада аҳоли саломатлигини асраш, тиббий хизматлар сифатини янада яхшилаш бўйича салмоқли ишлар амалга ошириляпти. Бу эса биз каби соҳа ходимларига янги уфқларга интилишда рағбат вазифасини ўтайди.

Касбимга тўхталадиган бўлсам, тиббиётда жарроҳлик амалиётининг алоҳида ўрни бор. Халқимиз орасида ҳатто шундай қараш юради: “Агар бемор дори-дармон билан тузалмаса, жарроҳлар операция қилиб, тузатишади”. Демак, одамларнинг жарроҳлардан умиди катта. Бу амалиёт уларнинг ҳар қандай муаммосига ечим топади, деган ишонч билан яшайдиган инсонлар олдида эса бурчимиз чексиз. Шундан келиб чиқиб, изланишлар олиб бориляпти, тиббиётда анча ривожланган давлатлардан андоза олишга, уларнинг касбий сирларини ўрганишга ҳаракат қиляпмиз.

Айтиш керакки, тиббиётнинг бошқа йўналишларидан фарқли равишда жарроҳликда тез қарор қабул қилиб, зудлик билан уни амалга ошириш керак бўлади. Чунки аксарият ҳолларда вазият шунини тақозо этади. Бу эса катта билим, тажриба талаб қилади.

Шунда ҳам жарроҳлик амалиёти энг охириги чора бўлиши керак, назаримда.



Низомиддин БОТИРОВ,
Оққўрғон тумани 8-умумий ўрта
таълим мактаби директори,
Тошкент вилояти кенгашидаги
ЎзХДП гуруҳи аъзоси, “Меҳнат
шўҳрати” ордени соҳиби:

— 46 йилдан буён касбим орқасидан меҳнат қилиб, жамиятда озми-кўпми ҳурматга сазовор бўлиб келяпман. Қувонарлиси, кечагина таълим берган шогирдларим бугун мен билан елкама-елка ишламоқда, 100 дан ортиқ издошларим турли соҳаларда давлатимиз тараққиётига ҳисса қўшмоқда.

Биласизки, мустақилликнинг

— Ҳеч бир ёзувчи ёки шоир мукофот ёҳуд орден олиш учун асар ёзмайди (албатта, ҳақиқий шоирлар). Фақатгина айтмоқчи бўлган гапи, фикрлари қалбига сиғмай қолган пайтда қаламига мурожаат қилиб, оқ қоғозга юрагини тўқади. Кўнглидаги ҳис-туйғуларини, андуҳларини қоғозга тушириб, энгил тортади ва бундан роҳатланади.

Албатта, ҳар бир шоир халқнинг сўзини, орзу-истакларини шеърларига сингдиради. Сабаби, ҳамма одам шоир эмас, бироқ шоир табиатли, қалби гўзал ва табиати нозик инсонлар кўп. Уларнинг кўнгли дафтарларини очиб ўқиб, қалбига жойлаб, ўзининг дардига айлантириб, халққа етказиш, халқнинг гапирадиган тили бўлиш ҳар битта шоирнинг вазифаси.

Мен ҳам ҳудди шундай халқнинг кўнглидаги гапларни бадийлаштиришга, қалбимдан ранг бериб, халқнинг ўзига қайтариб беришга ҳаракат қиламан. Чунки юракдан чиқмагани юракларга етиб бормайди.

Албатта, барча соҳада бўлгани каби



Миршавкат АКБАРОВ,
Академик В.Вохидов номидаги
Республика ихтисослаштирилган
хирургия илмий-амалий тиббиёт
марказининг гепатобилиар
жарроҳлик ва трансплантология
бўлими раҳбари, “Ўзбекистон
Республикасида хизмат
кўрсатган соғлиқни сақлаш
ходими” фахрий унвони соҳиби:

Вақтида шифокор кўригидан ўтиш, ўз соғлиғига эътиборли бўлиш орқали хавфни бартараф қилиш ёки олдини олиш имкони юзага келади. Шу мақсадда бугун оилавий поликлиникалар даражаларга ажратилди.

Масалан, кўп тармоқли оилавий

поликлиникалар боланинг дунёга келишидан тортиб, энг кекса ёшдаги инсонларни ҳам скринингдан ўтказиш ускуналари билан жиҳозланди. Ногиронлиги бўлган шахсларни текширувдан ўтказиш, сўрункали касалликларни назоратга олиш, онкологик хасталикларни эрта аниқлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ҳуллас, ҳар бир йўналишда замонавий тиббий жиҳозлардан фойдаланиляпти.

Бунга монанд равишда тўғри овқатланиш, соғлом турмуш тарзига амал қилиш, ортиқча вазндан халос бўлиш сингари масалалар одамларга ўргатилляпти. Муҳими, юртдошларимиз ўз истаклари билан мазкур ташаббусларга бош қўшмоқда. Бу ишларнинг барчаси рақамлаштирилган тизим орқали амалга оширилиши одамларнинг мушкулени осон қилмоқда, ортиқча қоғозбозликка барҳам берилди. Яъни, одамларнинг ўзлари соғлом бўлишга, касалхонага сарфланадиган пулни ҳаётини янада мазмунли қилиш учун ишлатишга интилмоқда. Бу эса тиббий маданият ўсиб бораётганини англатади.

Табиийки, бундай шароитда ишлаш, сўзингизга кўр-кўрона эргашмасдан, саломатлиги учун энг яхшисини талаб қила оладиган беморларга хизмат кўрсатиш бизга ҳам ўз устимизда ишлашга туртки беради. Чунки илм-фан, айниқса, тиббиёт ҳамisha олға юришни ёқтиради. Бу борадаги камтарона меҳнатимизнинг эътироф этилиши эса интилишларимизга янги қанот, куч ва илҳом беради. Бугун мукофотланганлар сафида турар эканман, зимамдаги масъулият юқини яна бир карра ҳис қилдим. Кўксимга тақиладиган унвон халқимиз ва давлатимизнинг ишончи, деб биламан.

ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсиши тўғрисида ғамхўрлик қилиши қафолатланди.

Шу билан бирга, уларнинг маошлари оширилди, устама ҳақ тўлаш амалиёти жорий этилди. Бир ҳудуддан бошқа ҳудудга бориб ишлаётганларга эса 50 фоиздан 100 фоизгача устамалар белгиланиши ҳам катта масала. Авваллари малака тоифасини олиш учун 5 йил қутилган бўлса, бугун исталган пайтда бу даражаларни эгаллаш имконияти берилди. Умуман, ўз устида ишлаган, тил билган, малакасини оширишдан кўрқмаган муаллимлар 10 миллион сўмдан ортиқ ойлик оляпти. Буларга қўшимча равишда турли танловлар эълон қилиниб, ҳамкасбларимиз моддий ва маънавий рағбатлантирилмоқда. Буларнинг барчаси ўқувчиларнинг билим доирасини кенгайтиришга, янги баҳолаш тизими орқали эса янгиликка интилувчан, ижодкор, инновацион лойиҳалар эгаси сифатида камолга етишига хизмат қилмоқда. Бу ҳали бошланиши. Устозларни эъозлаш, уларнинг жамиятдаги қадр-қимматини юксалтиришдаги чора-тадбирлар давом этади. Ушбу ўзгаришларга ҳамоҳанг равишда таълим ҳам ривожланиб боравереди.

Ҳам машаққатли, ҳам шарафли касб эгаси эканимдан фахрланаман. Менга берилган мукофот бутун бир тизимга қаратилган эътибор, кўрсатилган эҳтиром, деб биламан. Ҳаяжоним, хурсандчилигимни, тўғриси, сўз билан таърифлаб беролмайман. Фақат шунини ошонч билан айта оламаники, қўлимдан келганича, кучим етганича ёшларга таълим-тарбия бериш, шогирдлар тайёрлашга ҳисса қўшаман. Мақсадим, фарзандларимиз жаҳондаги энг илғор ва билимли ёшлардан бўлишини кўришдир.

бизнинг йўналишда ҳам сидқидилдан қилинган хизмат эътироф этилади, қадр топади. Камтарона маҳнатимизга ҳурмат кўрсатиб, уни юксак баҳоласа, қувонмаслик мумкинми? Табиийки, бу чексиз қувонч, миннатдорлик ва янги асарларга илҳом ҳиссини беради.

“Дўстлик” ордени билан мукофотланганимни эшитганимда ростини бироз шошиб қолдим. Тан олайлик, давлат раҳбарининг эътирофини ҳаммамиз истаймиз, аммо бу орден мен учун катта ва қутилмаган соғва бўлди. Ана шундай эҳтиромга лойиқ қўрилганимдан бошим осмонга етди. Келгусида ҳам ўз йўлимда, ўз сўзимда қатъий туришда давом этаман. Ватанимизнинг тараққиёти, жамиятнинг маънавий камолоти йўлида бироз бўлса-да ҳисса қўша олсам, бу оламдаги умрим зое кетмаган, деб ҳисоблайман. Адабиётимизнинг ривож топишига бор ижодий салоҳиятимни сафарбар қиламан.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.

Набийра АРЗУОВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
аъзоси, ЎзХДП фахрийси,
“Дўстлик” ордени соҳибаси:

МАМЛАКАТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 34
ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ПРЕЗИДЕНТ
ФАРМОНИГА АСОСАН ДАВЛАТ МУКОФОТИ
БИЛАН ТАҚДИРЛАНГАНЛАР ОРАСИДА
ҚУЙИДАГИ ПАРТИЯДОШЛАРИМИЗ ҲАМ БОР:



САИДМУРАДОВ УКТАМ,

Самарқанд туманидаги
“Стеклопластик”
масъулият чекланган
жамияти раиси, Самарқанд
вилоят Кенгашидаги ЎзХДП
гуруҳи аъзоси,

“Ўзбекистон
Республикасида хизмат
кўрсатган тadbirkor”
фахрий унвони.



НЕМАТОВА НАРГИЗА
ИСАМИДДИНОВНА,

Олот тумани ҳокими,

“Эл-юрт ҳурмати”
ордени.



ГАНИЕВА МАТЛУБА
МАХАМАЖАНОВНА,

Андижон туманидаги
“Орол” маҳалла
фуқаролар йиғини
раиси, Андижон вилоят
Кенгашидаги ЎзХДП
гуруҳи аъзоси,

“Эл-юрт ҳурмати”
ордени.



ТУМИШОВА АҚСАВЛИ
МОЛДАГАЛИЙЕВНА,

Зарафшон шаҳридаги
9-умумий ўрта таълим
мактаби директори,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати
аъзоси, Навоий вилоят
Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи
аъзоси,

“Эл-юрт ҳурмати” ордени.



НАРИМБЕТОВ ЮЛДАШ
ИБРАГИМОВИЧ,

Беруний туманидаги
шахсий томорқа ер
эгаси,

“Дўстлик” ордени.



МУХАММАТОВА
ДИЛБАР ДАВРАНОВНА,

Термиз туманидаги
“Намуна” маҳалла
фуқаролари йиғини
раиси,

“Дўстлик” ордени.



АКРАМОВА
ХУШВАХТ
НОРКУЛОВНА,

Бухоро шаҳридаги
“Биродар шаҳарлар”
жамияти раиси,

“Дўстлик” ордени.



САНАЕВ ИСМАТ
САНАЕВИЧ,

Ўзбекистон Халқ
демократик партияси
Пахтачи тумани
кенгаши раиси,

“Дўстлик” ордени.



МАМАТМУМИНОВ
АКМАЛ ЖАЙЛОВОВИЧ,

Ангор туманидаги
шахсий томорқа ер
эгаси,

“Шуҳрат” медали.



ПАРПИЕВ ПЎЛАТЖОН
РАСУЛОВИЧ,

Норин туманидаги “Ровот”
маҳалла фуқаролар
йиғини раисининг
кексалар ва фахрийлар
бўйича маслаҳатчиси,

“Шуҳрат” медали.

НИГОҲ

ИЖТИМОЙ ТАРАҚҚИЁТНИ
ЖАДАЛЛАШТИРУВЧИ КУЧ

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Этибор қилинг, ён-атрофингизда ҳовлисидаги икки қарич ердан ҳам йил давомида уч-тўрт мартаба ҳосил кўтариб, миллионлаб даромад олаётган маҳалладошингиз рўзгоридagi тўқинлик замирида нима турибди? Табиийки, омилкорлик, ишбилармонлик. Ёки ҳаётнинг мураккаб йўлида оиланинг ёлғиз боқувчисига айланган ва маҳалладан берилган биргина тикув машинаси орқали ўзини ўзи банд қилиб, сўнг эса ишлаб чиқаришни кенгайтирган ҳолда росмана тadbirkor бўлган опа-сингилларимизни юртимизнинг исталган ҳудудидан топиш мумкин.

Шуниси аниқки, тadbirkorлик ривожини нафақат иқтисодий, балки ижтимоий тадбиркорликни, халқ фаровонлигини таъминлашда ҳам ҳал қилувчи ўрин тутмоқда. Ишсизликни бартараф этиш, камбағалликни қисқартириш, эҳтиёжманд қатламларни қўллаб-қувватлаш, таълим, тиббиётдаги бўшлиқларни тўлдиришда айнан хусусий сектор тобора пешқадамлик қилаётир.

СОҲАДА ЯНГИ ДАВР

Тadbirkorлик соҳасида, айниқса, сўнгги саккиз йилнинг аҳамияти беқиёс. Таъкидлашнича, бу даврда турли соҳаларга 230 миллиард доллар инвестиция кириб келган ва шунинг ярмидан кўпини хорижий сармоя ташкил этади. Мамлакат иқтисодиётидаги изчил ўсиш суръатида тadbirkorлик субъектларининг улуши йилдан-йилга ортиб бораётгани қувонарли, албатта.

Ўтган ҳафтада Янги Тошкентда Президентимизнинг тadbirkorлар билан мулоқотида билдирилган фикрлар, очиқланган рақамлар ҳамда илгари сурилган тақлиф-ташаббусларни тинглай туриб, ишбилармонлар учун имкониятлар яратиш, уларни ҳар

тарафлама қўллаб-қувватлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилгани ўз-ўзидан бўлмаётганини англаймиз.

Расмий статистикага кўра, ўтган йилнинг ўзида кичик бизнес ва хусусий тadbirkorликнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотдаги улуши 54,3 фоизга, иқтисодиётда банд бўлганларнинг умумий сонидagi улуши 72,9 фоизга етган. Ҳозирга келиб минглаб микро ва кичик корхоналар катта компаниялар билан ҳам рақобат қила бошлагани, йиллик оборотини жадал ошириб, йирик бизнес сафига қўшилаётгани – бу соҳада минглаб иш ўринлари яратилаётганидан, пировардида рўзғори ҳаминқадар қанчадан-қанча оилалар муқим даромад манбаига эга бўлаётганидан далолат беради. Ишсизликдан холи ҳудудларни кўпайтириш, қишлоқ жойларда саноат ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ижтимоий инфратузилмаси оқсаган, чекка-чекка манзилларга ҳам ободонлик ҳамда фаровонлик нафасини олиб киришда бизнес вакилларининг иштироки яққол кўринмоқда.

Мулоқотда бизнесни “соя”дан чиқариш бўйича янги механизмларнинг йўлга қўйилиши ҳисобидан 139 мингта корхонада иш ўринлари 811 мингтага кўпайиб, 273 мингта корхона иш ҳақи фондини 22 фоизга ёки 4,6 триллион сўмга оширгани айтиб ўтилди. Хусусий секторда ўртача ойлик 5 миллион сўмга яқинлашгани эса соҳада меҳнат қилиб, ризқ-насибасини тираётган минглаб ҳамюртларимизнинг бўлақ қобилиятлари яхшиланиб бораётганини тасдиқлайди.

ИСЛОҲОТЛАР КЎЗГУСИ

Очиқ мулоқот, жамият ҳаётининг қайси жабҳасида бўлмасин, мавжуд муаммоларни ўрганиш, одамларнинг давлатдан розилигини, ислохотларнинг соҳалардаги ва жойлардаги

ижросини рўйи-рост кўрсатиб берувчи кўзгу.

Худди шундай, Президентнинг тadbirkorлар билан очиқ мулоқот шаклидаги илк учрашуви 2021 йил 20 августида ўтказилган эди. Ўша учрашувда Шавкат Мирзиёев бундай тadbirkorни ҳар йили ташкил қилиш тақлифини билдирганди.

Ўтган тўрт йил ичида бизнес вакилларининг мингга яқин ташаббуси меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз ифодасини топгани, бунинг натижаларини нафақат тadbirkorлар, балки оддий одамлар ҳам ўзининг кундалик ҳаётида ҳис қилаётгани очиқ мулоқотларнинг амалий аҳамияти нечоғлик муҳимлигига яна бир далилди.

Анъанага мувофиқ, бу гал ҳам очиқ мулоқотга тайёргарлик давомида 7 мингга яқин тadbirkorлар билан соҳалар кесимида учрашувлар ўтказилгани, “Call-марказ” орқали 13 мингдан зиёд мурожаат ва ташаббуслар келиб тушгани бизнес муҳитини яхшилашга ғов бўлаётган муаммолар билан бевосита танишиш имконини берди. Ёчимлар изланди, ҳаётий янгиликлар ишлаб чиқилди.

Урғу берилдики, юртимизда 300 мингга яқин якка тартибдаги тadbirkorлар, яна 5,5 миллион нафар ўзини ўзи банд қилган шахслар фаолият юритмоқда. Навбатдаги мақсад – ишини кичик лойиҳадан бошлаб, бизнесда тажриба ва малака тўплаган мана шундай тadbirkorларга кўмак бериб, уларни 50-100 нафар одам ишлайдиган бақувват корхоналар соҳибига айлантиришдан иборат экани айтилди.

Яна бир янгилик – йиллик айланмаси 1 миллиард сўмгача бўлган барча тadbirkorлар келгуси йил 1 январдан бир хил, яъни, оборотидан 1 фоиз солиқ тўлашга ўтказилиши, обороти 100 миллиондан 1 миллиард сўмгача бўлган тadbirkorнинг солиқ юки 3-4 қарра қамайиши кичик бизнес ва якка тadbirkorлик ривожини янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилиши тайин.



ТАЪЛИМ ВА ТИББИЁТДА
ХУСУСИЙ СЕКТОР

Таълим ва тиббиёт ижтимоий жараён сифатида замон талабларига мос янгиланишларни талаб қилади. Ушбу соҳаларда хусусий сектор учун кенг йўл очилаётгани уларда сифат ўзгаришларига олиб келяпти. Жумладан, охириги саккиз йилда юртимизда хусусий боғчалар сони 120 баробар кўпайиб, 31 мингтага, мактаблар эса 22 баробар ортиб, 645 тага етгани, хусусий клиникалар қаррасига кўпайгани, авваламбор, аҳоли учун қўлайлик яратётгани билан диққатга молик.

Эндиликда болаларнинг мактабгача таълимга қамрови 70-80 фоиздан паст бўлган 80 та туманда тadbirkorларга енгиллик берилиши, яъни, бу ҳудудлардаги МТТ ва мактабларнинг бўш ерларида хусусий шериклик асосида боғча қуриш имконияти тақдим қилиниши, бунда тadbirkorлардан ер учун ижара ҳақи 30 йил давомида ундирилмаслиги айтилиши мудидадир.

Хусусий секторнинг салоҳияти ва имкониятлари тиббиётда янада равшанроқ намоён бўлмоқда. Сифатли тиббий хизматни халққа яқинлаштириш, миллат генофондини асраш, касалликларни эрта аниқлаш, ташхис-даволаш ишларида илғор технологиялардан фойдаланишда тadbirkorларимиз фаол ва ташаббускор. Улар иштирокида Ўзбекистонни минтақадаги юқори технологик тиббиёт хабига айлантириш, чегара ҳудудларимизда клиника, реабилитация маркази, меҳмонхона ва лабораторияларни ўз ичига олган тиббиёт кластерларини ташкил қилиш, бунинг учун 200 миллион долларлик имтиёзли кредит линияси очилиши, арзон

кредитлар берилиши кўзда тутилаётгани соғлиқни сақлашнинг рақобатбардошлигини оширади.

Мана шундай тизимли ўзгаришлар жараёнида давлатнинг ижтимоийлик даражаси, жамиятнинг инсонпарварлиги яна бир бор бўй кўрсатади. Фақат бу ўринда бир мулоҳазани айтиб ўтмасликнинг иложи йўқ.

Тadbirkor учун ҳаммаша фойда муҳим. Лекин ўсиб келаётган авлод таълим-тарбияси ҳақида сўз борганда, халқ саломатлигини сақлашдек долзарб мақсад турганида тadbirkor ижтимоий ислохотларнинг иштирокчиси эканини унутмаслиги лозим. Давлат томонидан берилаётган имтиёз, қўллаб-қувватлаш ҳеч қачон ўз манфаатини эл-ўрт манфаатидан устун қўйишга, “соядаги иқтисодиёт”га ва ўзибўларчиликка изн бермайди.

Мустақиллигимизнинг ўттиз тўрт йиллиги олдида давлат раҳбарининг тadbirkorлар билан учрашувида жаҳон иқтисодиёти ва глобал бизнес архитектураси жуда тез ўзгариб бораётган бир шароитда истиқболли вазифалар, қўллаб имтиёзлар, енгилликлар тилга олинди. Ўз навбатида тadbirkorларнинг тақлифлари тингланди. “... Сизларнинг тимсолингизда мен Янги Ўзбекистонни барпо этиш борасида олиб бораётган ишларимизнинг амалий натижаси ва ютуқларини кўраман”, деди Президент бизнес вакилларига қарата.

Янги Ўзбекистон учун инсон қадри ва халқ манфаати ҳамма нарсадан устун. Тadbirkorларимиз фаолиятида мана шу тамойил устуворлик касб этиши иқтисодий юксалиш баробарида ижтимоий тараққиётга жадал суръат бағишлайди.

Фарида МАҲКАМОВА,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.

► (Давоми. Боши 1-бетда)



Олим РАВШАНОВ,
ЎзХДП Қашқадарё вилоят
депутатлари вилоят
Кенгашидаги партия гуруҳи
раҳбари:

- Бугун Янги Ўзбекистонимизда мустақиллигимизнинг ўттиз тўрт йиллик байрами катта шод-у хуррамлик билан кутиб олинмоқда. Зеро, бу қутлуг айём - янги тарихимиздаги энг улуг, энг азиз сана. Бу халқимизнинг кўп минг йиллик тарихида буюк воқеадир. Ўтган йилларда эришилган ютуқ ва марралар замирида бу бебаҳо неъматнинг кадр-қиммати намоён.

Шунинг учун ҳам Мустақиллик байрамини катта тайёргарлик билан кутиб олиш биз учун эзгу анъанага айланиб қолган. Чунки бу байрам бутун миллат ва халқ тақдирини билан боғлиқдир. Байрам арафасида босиб ўтган йўлимиз, амалга оширган ишларимизни сарҳисоб қилиб, бугунги зафарларимизни кўз ўнгимиздан ўтказишимиз табиий.

Шулар ҳақида ўйлаганимда айрим воқеалар тез-тез хаёлимда чарх уради. Ўшанда декабрь ойи эди. Қор ёққан, далалар оппоқ. Тонг ёришиб улгурмасдан ҳаммани далага олиб чиқишди. Эркаклар олдинда юриб, катта ёғоч билан гўзалардан қорни қоқишар, аёллар, қизлар эса музлаб қолган пахта қолдиқларини

не машаққатлар билан териб оларди. Қишлоқ хўжалигида, айниқса, пахта теримида болалар ва аёллар ҳам мажбурий равишда ишлатиларди. Дўконларда гўшт, шакар, ёғ, кийим-кечак каби маҳсулотлар доимий танқисликда бўларди.

Умуман, инсон, унинг қадри, ҳуқуқи, маънавий, миллий қадриятлари сўнгги ўринда турар эди. Аҳолининг кўп қисми қишлоқ хўжалигига боғланган, лекин моддий шароит заиф эди.

Халқимиз мустақилликдан олдин ана шундай оғир кунларни бошидан кечирди. Афсуски, бундай изтиробли, аянчли ҳолатларга мисоллар кўп эди. Ҳозир биз ана шу даврлар ҳақида фарзандларимизга, невараларимизга гапириб берсак, эртак эшитгандек бўлишади. Аммо буларнинг барчаси ҳақиқат, биз бошимиздан кечирган қийин кунлар эди.

Мустақиллик йилларида халқимиз ҳақиқий кадр-қиммат топди. Бундан 34 йил аввал бошланган янги тарих юз йиллик синовларнинг тугаши ва янги ҳаёт бошланишининг рамзи бўлди.

Шулар ҳақида кўп ўйлайман. Айниқса, Мустақиллик байрами арафасида ютуқ ва зафарларимизни кўриб, қаддимиз тикланган, қадримиз юксалган ана шундай даврлар учун минг-минг шукрона айтаман.

Мустақиллик йиллари давомида барча жабҳаларда, жумладан, таълим-тарбия, илм-фан, маданият ва санъат, соғлиқни сақлаш, спорт, ижтимоий, иқтисодий, маънавият соҳаларида, турмуш тарзимиз мазмунида туб ўзгаришлар амалга оширилди. Рухиятимиз, қадрият ва урф-одатларимиз эъзоз топди, инсон ҳуқуқлари ва фуқаролик жамиятига эътибор ошди.

Мухим ютуқларимиздан яна бири бу - эркинлик ва очиклик, қонун устуворлиги, жаҳон ҳамжамияти билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишига айланди. "Янги Ўзбекистон – ижтимоий давлат" деган тамойил

Конституция даражасида мустаҳкамланди.

Охирги саккиз йилда давлат бюджетидан таълим ва тиббиёт соҳасига ажратилган маблағлар сезиларли даражада кўпайди. Айтилик, 2016 йилда мактабгача таълим қамрови 27 фоиз бўлган. 2025 йилга келиб, бу рақам 76 фоизга етди. Олий таълимга қамров 42 фоизга етди.

2017 йилда кам таъминланган 500 минг оила ижтимоий ёрдам олган бўлса, бугунга келиб 2 миллиондан ортиқ оилага кўмак берилмоқда. Ажратилаётган маблағ эса 7 баробар кўпайтирилиб, йилига 11 триллион сўмга етди.

Кам таъминланган оилалар фарзандларини парвариш қилиш бўйича нафақалар қамрови кенгайтирилди, нафақа тайинлашда ҳисобга олинган болаларнинг ёши 14 дан 18 ёшгача оширилди, мазкур тўлов муддати 6 ойдан 12 ойгача ҳамда нафақа миқдори ўртача 1,5 баробар кўпайди, 2022 йилдан бошлаб оиланинг ҳар бир аъзосига жами бир ойлик ўртача даромад минимал истемол харажатлари миқдоридан ошмаганда оилани кам таъминланган, деб эътироф этилиши белгилаб қўйилди.

Кам таъминланган оилаларни аниқлаш ва уларга манзилли ёрдам кўрсатиш мақсадида "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизими жорий қилинди, кам таъминланган нафақа олувчи оилалар сони охиригача йилда тўрт баробар ошиб, 1,9 миллионга етди.

Инсон қадри юксалган юртга муносиб бўлиб, ютуқларимизни асраб-авайлаш, янгидан-янги марраларни забт этиш барчамизнинг шарафли бурчимиздир.

Юртдошларимни биз учун қимматли бўлган Мустақиллигимиз байрами билан табриклайман! Мустақиллик – бу эркинлик, фахр ва келажакка ишонч рамзи. Мустақиллигимизнинг 34 йиллиги муборак бўлсин! Бирдамлик ва фаровонлик йўлида катта ютуқларга эришамиз.



Шукрки, фуқароларнинг кўнгли ҳам, кўзи ҳам анча тўқ. Меҳнат қилган, ҳаракатдаги одамнинг ҳамиша ризқи бутун бўлишини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Шу сабабли халқимиз, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш, тадбиркорлик билан шугулланишига шароит яратиш ислохотларнинг бош мезонига айланди. Биргина ижтимоий дафтарларга ишсиз фуқароларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида миллиардлаб маблағлар ва субсидиялар ажратилмоқда.

Масалан, айтилик, камбағалликни қисқартириш мақсадида ижтимоий ёрдамнинг янги ва самарали механизмлари жорий этилди. "Темир дафтар", "Аёллар дафтари", "Ёшлар дафтари", "Маҳаллабай" ва "Хонадонбай" ишлаш усуллари орқали ёрдам ва кўмакка муҳтож ҳар бир оила ва фуқаронинг, хотин-қизлар, ёшларнинг муаммолари ўз жойида аниқ ўрганилмоқда, улар вақтида ва самарали ҳал этилмоқда. Айтиш керакки, бу стратегик натижа бўлади, давлат идоралари халққа хизмат қилишда давом этишига ишонч ва тизим мустаҳкамланади.

2021 йилда аҳолининг 17 фоизи камбағаллик чизигидан пастда яшаган бўлса, 2023 йилга келиб бу кўрсаткич 11 фоизгача пасайган. 2024 йилда камбағаллик даражаси 8,9 фоизга тушиб, 719 минг киши камбағалликдан чиқарилган. 2025 йил якуни билан камбағалликни 6 фоизгача камайтириш мақсад қилинди. Жорий йил Ўзбекистонда аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартиришда ҳал қилувчи давр сифатида белгилангани бунинг яққол далилидир.

Тошкент вилоятида ҳам камбағалликни қисқартириш, аҳолини марказлашган ичимлик суви билан таъминлаш, йўл қурилиши, янги боғча, мактаб, шифохона каби замонавий ижтимоий объектлар сони йил сайин ортиб бораёпти. Шунга муносиб равишда вилоятдагилар ҳам ўзгаришларни ўз ҳаётида кўриб, маррани кенгрок ва баландроқ олиб яшашни ўрганди.

Озми-кўпми, бу ишларни жонлантириш вазифаси биз партия фаолларининг ҳам зиммасига тушган бурчдир. Шу мақсадда жойларда турли тадбирлар, учрашувлар ўтказаяпмиз, одамларнинг қалбига қулоқ тутаяпмиз.

Хусусан, барча туман ва шаҳарларда маънавий-маърифий анжуманлар, "Депутат маҳалада", "Ёшларга кўмак", "Кексаларнинг фаровон ҳаёти учун масъулимиз!", "Тенг ҳуқуқ – тенг имкониятлар" лойиҳалари доирасида очик мулоқот ва суҳбатлар ўтказилмоқда. Учрашувларда шунга гувоҳи бўляпмизки, бугун одамларимизда ижтимоий-сиёсий масалаларга иштиёқ баланд. Юртдошларимиз билдирган фикрларда шукроналик муҳассам.

Энг улуг ва энг азиз байрам арафасида хаёлимдан ўтганларини қисқача қоғозга туширдим. Албатта, ҳар биримиз она юртимиз равнақи учун ўз хиссамизни қўшишимиз зарур. Бу инсонийлик ва фуқаролик бурчимиздир!

Ватанимиз доимо тинч, осмонимиз мусаффо, эл-юртимиз омон бўлсин. Ҳар бир хонадондан фойз-у-барака, бахт ва муваффаиятлар аримасин!

Шоҳида ШОВҚИЕВА,
Ёшлар парламенти аъзоси:

— Ҳар йили Мустақиллик байрами арафасида қалбимда ўзгача қувонч ва масъулият туйғуси жўш уради. Чунки истиқлолнинг неъматини энг кўп ҳис қилаётган, унинг самарасидан фойдаланаётган ва келажагини қуришга интилган асосий куч — бу ёшлардир, мен ва тенгдошларимдир. Эркин юрт фарзанди бўлиш – бахт!

Бобо-бувиларимиздан кўп эшитардик, илгари одамлар турли чекловлар, таълимга эътибор йўқлиги муҳтида яшаган. Ҳозир эса ҳуқуқ ва эркинлик ҳар бир шахснинг ўз қўлида. Ёшлар интернет, технология, глобал алоқа ва эркин таълим шароитида қамол топмоқда.

Ёшлар учун мустақиллик нафақат тарихий воқеик, балки уларнинг ҳаёт тарзи, орзу-умидлари ва имкониятлари билан ҳамбарчас боғлиқдир. Айниқса, кейинги йиллардаги имкониятлар биз ёшларга хоризжда ўқиш, грантларда иштирок этиш, онлайн таълим олиш ва илмга эркин кириш имконини берди.

Ҳозир мен 5 та тилни биламан, дунёнинг бир нечта ривожланган давлатларида бўлганман, ўз бизнесимни йўлга қўйганман. Кўп ўйлайман, агар мустақиллик бўлмаганида, эҳтимол, мен бугунги даражада ўқиш, ривожланиш ва дунёга чиқиш имконига эга бўлмасдим. Мен учун мустақиллик – бу ўзини англаш ва жамиятда муносиб ўрин эгаллаш имконидир.

Давлат раҳбарининг "Ёшлар — янги Ўзбекистон бунёдкорлари" деган ғояси, ёшларга қаратилган грантлар, Ёшлар ишлари агентлиги, "Ёшлар дафтари", Президент мактаблари каби ташаббуслар орқали амалда ўз ифодасини топмоқда.

Мамлакатимизни турли соҳаларда ривожлантириш, аҳолининг турмуш даражаси ва ҳаёт тарзи яхшиланиши, мавжуд муаммолар бартараф этилишида ёшларнинг ҳам ҳиссаси катта.

Бугун ҳар бир соҳада муваффақиятга эришаётган, мамлакат ривожини, халқ фаровонлигини учун меҳнат қилаётган ёшлар сафи кенгаймоқда. Мен ҳам ана шу сафда эканимдан ғурурланаман.

Мустақиллик – бу фақат ўтмишдаги ютуқ эмас, балки келажақдаги имконият ҳамдир. Ёшлар бу неъматни қадрлаб, унинг ҳар бир жиҳатини тушунишлари ва уни асраб-авайлашлари керак. Чунки Янги Ўзбекистоннинг келажаги, тараққиёти ёшлар фаоллиги ва билимга чанқоқлигига боғлиқ.

Байрам билан барча юртдошларимизни, устозларимиз ва тенгдошларимизни чин қалбимдан табриклайман. Ватанимиз равнақи, халқимиз фаровонлиги йўлида доимо интилувчан, фидойи бўлишга ваъда берамиз. Ишончингизни албатта, оқлаймиз!



Шоҳида ШОВҚИЕВА,
Ёшлар парламенти аъзоси:

тез ёрдам марказлари қурилди. Қишлоқлардаги врачлик пунктлари янгиланди ва улар замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланди. Соҳадаги сифат ўзгаришлари энг олис ва чекка ҳудудларда яшовчилар ҳаётида ҳам акс этиши учун малакали тиббий хизматни аҳолига янада яқинлаштириш чоралари кўрилди.

Ўтган йилги таҳлилларга кўра, сўнгги беш йилда аҳолига тиббий ёрдамни янада яқинлаштириш мақсадида оилавий шифокорлик пунктлари, оилавий поликлиникалар, маҳалла тиббий пунктлари ташкил этилиб, уларнинг сони 4 600 дан ортди.

Сифатли тиббий хизмат кўрсатиш учун замонавий диагностика ва даволаш усуллари жорий этилди. Қишлоқларда жойлашган 820 та оилавий поликлиника янги замонавий УЗИ, ЭКГ аппаратлари, стоматологик ускуналар каби 11 турдаги тиббий жиҳозлар билан таъминланди.

Мамлакатимизда илғор тиббий технологиялар, шифокорларнинг малакасини ошириш дастурлари йўлга қўйилди. Шу билан бирга, инфекцияга қарши кураш, онкология ва бошқа касалликларга қарши курашда катта ютуқларга эришилди.

Жамиятдаги соғлиқни сақлаш давлатнинг зиммасидаги энг масъулиятли ва мураккаб масала саналади. Бунинг энг муҳим қисми бирламчи тиббий ёрдам ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, бугун оилавий поликлиникалар даражаларга ажратилди.



Қизилгул ҚОСИМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги ЎзХДП
фракцияси аъзоси:

– Дунёдаги энг қадрли нарсалардан бири, инсон учун саломатлик ҳаммасидан муҳимдир. Зеро, хаста одамнинг кўнглига на бир ўзгариш, на бир янгилик ва на бир сўз сиғади.

Кейинги йилларда халқимиз саломатлигини асраш, тиббий хизматлар сифатини ошириш бўйича катта ишлар қилинмоқда. Мустақиллик байрами арафасида бу соҳадаги ютуқлар ҳақида гапирмаслик нотўғри бўлса керак. Чунки, ҳар бир инсонга сифатли, қулай ва замонавий тиббий хизмат кўрсатиш — бу мустақилликнинг энг муҳим ютуқларидан бири ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон тиббиёти катта босқичларни босиб ўтди. Шаҳар ва қишлоқларда янги шифохоналар, поликлиникалар,

“Ўзбекистон овози” мухбири
Лазиза ШЕРОВА ёзиб олди.



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУҲИМ ДАРВОЗАСИ

► (Давоми. Боши 1-бетда)



Бекназар ЕРНАЗАРОВ,
Қорақалпоғистон Ёзувчилар
ушумаси масъул котиби,
“Шуҳрат” медали соҳиби.

Чўл ўсимликлари куз, қиш ва баҳорда экилгани учун қишнинг 20-25 даража совуғида Орол тубида чодирлар қурилиб, устахоналар очик майдонда ишларини давом эттирди. Чўқур бурғилаш ишлари олиб борилди. Ҳар бир артезиан қудуғидан сувнинг чиқиши байрамга айланарди. Шундай қилиб, ўндан ортиқ артезиан қудуқлари қазилиб, экин майдонлари суғорилди. Сўнгги вақтларда қалин саксовулзорлар ўрмонлари орасида ҳар хил ўрмон ҳайвонлари кўрина бошлади. Ҳайвонот дунёси тикланди.

МАДАНИЯТ МЎЙНОҚДАН БОШЛАНАДИ

Мўйноқда Оролнинг ортга чекиниши билан қут-барака қочди. Ривожланишдан четда қолди. Табиийки, бу ернинг одамлари турмушида ҳам қашшоқлик «бўй кўрсата» бошлади. Фақат балиқчилик билан кун кўриб келган аҳоли бошқа касбга фаол киришиб кета олмади. Ана шундай паллада Президентимизнинг "Маданият Мўйноқдан бошланади" деган қанотли сўзи ҳудуд ҳаётида бутунлай янги даврни бошлаб берди.

Бунёдкорлик ишлари авж олди. Баланд-баланд турар жойлар, замонавий ижтимоий объектлар, ишлаб чиқариш ва саноат

корхоналари қад ростлаб, шаҳарга ўзгача тус берди. Одамларинг кайфияти ҳам ўзгарди. Янги иш ўринлари очилди. Мўйноқ туристик ҳудудга айланди. Чет эллардан сайёҳлар кела бошлади. Қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳалар бир хил ривожланди. Мўйноқ тарихида биринчи марта Туябўйин сув омборидан ичимлик суви етказиб берилиши натижасида "Қизил жар," "Ҳаким ота", "Бўзатов", "Амударё", "Қипчоқдарё", "Учсой", "Алий овул", "Дўстлик овул", "Таллиқ овул", "Тўқман ота" овулларига обиҳаёт етиб борди.

Мўйноқ тумани марказида 250 ўринли маданият саройи, 800 ўринли амфитеатр, Экология музейи, Орол денгизи музейи, Балиқчининг уй-музейи, «Денгиз кемалари» очик дала музейи, Шоирлар хиёбони, Ҳунармандлар аллеяси, Ажиниёз боғи, болалар дам олиши учун лагерлар барпо этилган бўлса, ҳар йили ўтказиладиган гастротивестиваль, этнофестиваль, Стихия фестивали Ер юзининг турли нукталаридан келаётган сайёҳлар оқимини оширди.

ЯНГИ ЎЗГАРИШЛАРНИНГ ҚАМРОВИ КЕНГ

Атрофида Мўйноқ, Қўнғирот, Қонлиқўл, Кегейли, Чимбой ва Нукус туманлари билан чегараланган бугунги Бўзатовда эса 135 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилиб, қишлоқ хўжалиги, қорвачилик ва улардан қайта ишланган маҳсулотлар талабга мувофиқ ривожланмоқда. Бўзатов тумани қайта ташкил этилган, элликка яқин муассаса ва корхоналар ишга туширилди. Ҳозирда бу ерда ўттизга яқин мактаб ва мактабгача таълим ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда.

Бугун Бўзатовга келсангиз, бир-биридан кўркам биноларни, муҳташам амфитеатр, футбол майдони ҳамда мактаб ва мактабгача таълим муассасаларини кўриб, кўзингиз қувонади.

Бундай янги ва яхши ўзгаришлар 70 йиллик тарихга эга Тахياتошнинг ҳам қамраб олган. Ҳозир Тахياتош тумани деҳқонлар ва тадбиркорлар марказига айланган. Сўнгги йилларда бир ярим мингга яқин тахياتошлик ташкилий-молиявий кўмак эвазига ўз бизнесини йўлга қўйгани - бу ҳазилакам гап эмас!

РАВОН ЙЎЛЛАР

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти таҳлиliga кўра, сифатли йўллар

Ўзбекистон иқтисодиётининг камида 2 фоиз ўсишига туртки беради. Бугунги кунда Оролбўйи ҳудудида йўлсозлик соҳасида ҳам сезиларли ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, "Қўнғирот-Бейнов" йўлининг янгида қурилган 240 километр қисми фойдаланишга топширилгани аҳолининг узоғини яқин, мушуқлини осон қилди.

2025 йилда ҳам Қорақалпоғистон Республикасида автомобиль йўлларини таъмирлаш ва реконструкция қилиш бўйича кенг кўламли дастур белгиланган бўлиб, унга кўра, жами 782,1 километр йўлни равионлаштириш, ҳаракат хавфсизлигини ошириш ва аҳоли учун қулай шароитлар яратиш кўзда тутилган.

Ички хўжалик йўллари ҳам эътибордан четда қолмаётир. Жорий йилда 329,1 км ички хўжалик йўлларини таъмирлаш учун 225,3 миллиард сўм маблағ ажратилгани бунинг исботи. Мана шундай хайрли ташаббуслар Қорақалпоғистон аҳолисининг ҳаёт сифати, ҳаракат хавфсизлиги ва иқтисодий фаоллигини оширишга хизмат қилмоқда.

ҚОРАТЕРАННИНГ ЁРУҒ ТОНГИ

Тахтакўпир туманининг шарқий-шимолий қисмида жойлашган Қоратеранг кўлига қараб ўтаётган юк машиналари одамларда ҳайрат уйғотди. Кимдир бу ерда қорвадорлар учун яйлов бўлади, деса, кимдир кўл қирғоғида республика миқёсида болалар дам олиш маркази қурилар экан, деди. Аммо туристик лойиҳа ишлаб чиқиляётганини эшитган маҳаллий аҳоли «Шу ерга ҳам бирор бир турист келармикин», деган гумонда бўлди. Чунки ўтган даврда ушбу манзилга битта ҳам сайёҳ қадам босмаган эди.

Давқара йўли қисқа вақтда таъмирланиб, автомашиналар оқими тикланди. Энди Қоратеранг кўли атрофида ҳеч қаерда ўхшаши йўқ миллий колоритдаги «Қоратеранг» этнотуристтик мажмуаси бунёд этилди. Қоратеранг кўли республика миёқсида сайёҳлар энг кўп келаётган масканлар сирасига кирди.

Қорақалпоғистон Республикасининг энг чекка ҳудудларидан бири Тахтакўпир туманида бундай янгилианишларни деярли ҳар қадамда учратасиз. Хусусан, Тахтакўпир тумани "Давқара" маҳалласида юқори технологик ирригация тизими барпо этилди. Шунингдек, Оролбўйи ҳудудида инфратузилма ҳолатини янада яхшилаш, туризм салоҳиятини ошириш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида ушбу

ҳудудда экотуризм мажмуаси яратилди.

Ҳа, Қоратеранг бугун ёруғ орзулар ижобати ўлароқ обод манзилга айланиб бормоқда.

ТАЪЛИМ ВА САНЪАТ

Билаги зўр бирни йиқар, билими зўр мингни, дейди халқимиз. Келажак билимли, салоҳиятли ёшлар кўлида. Шу маънода Қорақалпоғистонда Нукус тиббиёт институти, Аграр университети ва ўнлаб олий ўқув юртларининг филиаллари ташкил этилиши ҳар томонлама етук ёш кадрларни тайёрлаш жараёнини янги поғонага олиб чиқди.

Қолаверса, Президентимиз ташаббуси билан ҳар йили 10 минглаб қорақалпоғистонлик ёшларга олий ўқув юртлари квоталари ажратилаётганини юксак эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир намунаси, дейиш мумкин.

Таълим тизимини такомиллаштириш баробарида Қорақалпоғистон санъати ва маданиятини ривожлантириш йўлида ҳам янги қадамлар ташланган. Ҳозирги кунда Оролбўйи ҳудудида Ўзбекистон давлат санъат институти ҳамда Ўзбекистон давлат консерваторияси Нукус филиаллари, опера ва бахшичилик санъатига ихтисослаштирилган мактаб-интернати ишлаб турибди.

Хорижий давлатларнинг маданият ва санъат соҳасидаги ташкилотлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, соҳага халқаро грантларни, инвесторларни жалб этиш борасида қатор ишлар рўёбга чиқарилди.

Бадиий жамоаларнинг Қатар, Россия шаҳарларида, қардош республикаларда, Туркия ва бошқа мамлакатларда ижодий сафарларда бўлиши миллий санъатимизни тарғиб этишда айна муддао бўлмоқда.

Бугунги кунда Қорақалпоғистонда фаолият кўрсатаётган 24 та болалар муסיқа ва санъат мактаби юзлаб ўғил-қизларнинг иқтидорини юзага чиқариш ва уларни янги-янги ютуқларга рағбатлантиришда муҳим ўрин тутмоқда.

Юқорида сўз юритганларимиз Қорақалпоғистон ҳаётида юз бераётган улкан ва бемисл ўзгаришларнинг бир парчаси, холос. Яхшиси, бу ўлкага келиб, халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти, мамлакатимиз қудратидан далолат бериб турган мана шу ўзгариш ва янгилианишларни ўз кўзингиз билан кўринг! Зотан, Қорақалпоғистон – Янги Ўзбекистоннинг муҳим дарвозасидир.

ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲАЁТИДА ЁРҚИН САҲИФА



Ирина ТОКАРЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги ЎзХДП
фракцияси аъзоси.

Айни дамда Ўзбекистонимиз
мустақиллигининг 34 йиллиги
янги-янги ютуқлар ва марралар
билан қўтиб олинмоқда.
Айниқса, жамиятда аёлларнинг
ўрни тобора юксалиб, хотин-
қизларга нисбатан эътибор
ва ғамхўрлик янги босқичга
кўтарилди. Улар турли
соҳаларда фаолият юритиб, ўз
салоҳиятини намоийш этмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимиз тараққиётининг устувор йўналишларидан бири барча соҳаларда гендер тенгликни таъминлашдан иборат. Хусусан, сўнгги йилларда коллеж ва университетларда қизларнинг улуши сезиларли даражада ошди. Замонавий таълим, жумладан, IT йўналишлари ва илмий-тадқиқотлар учун имкониятлар кенгайтирилди. Давлат дастурлари ва грантлари, шунингдек, халқаро ташаббуслар аёлларга бизнес, илм-

фан ва ижтимоий ҳаётида ўзларини намоён этиш имкониятини беради, бу эса мамлакат иқтисодиёти ва ижтимоий барқарорлигини мустаҳкамлайди.

Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2024–2025 ўқув йили бошида 18–23 ёшдаги аҳоли орасида хотин-қизлар олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабаларнинг 52,4 фоизини ташкил этади. Бу динамика сўнгги йиллардаги чўқур ўзгаришларни акс эттиради ва хотин-қизлар таълими миллий тараққиётнинг ишончли таянчи ва ўзигага айланиб бораётганини кўрсатади.

Бугунги кунда қизлар таълим имтиёзлари ва стипендияларга эга. 2022 йилдан бошлаб магистратурада ўқиётган қизларнинг контракт пули тўлиқ давлат томонидан тўлаб берилмоқда. Бугунги кунда 14 мингдан зиёд талаба шундай кўмакка эга бўлди.

Шунингдек, эҳтиёжманд оилалар қизлари учун квоталар ва грантлар мавжуд. Олий ўқув юртларига киришда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар қизлари учун 4 фоизли квота жорий этилди. Эҳтиёжманд оилаларга мансуб 2,5 мингдан ортиқ қизлар 2024 - 2025 йилларда қўшимча давлат грантлари асосида олий ўқув юртларига қабул қилинди.

Шунингдек, 2022 йилдан бошлаб олий ўқув юртлари, техникум ва коллежларда таҳсил олаётган қизлар учун 7 йил муддатга фоизсиз кредитлар жорий этилди.

Гендер тенгликка эришиш

бўйича ислохотлар дастури амалга оширилмоқда. 2025 йил 18 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати 2030 йилгача мўлжалланган Гендер тенглик стратегиясини амалга ошириш бўйича комплекс дастурни тасдиқлади. Ушбу дастур хотин-қизларнинг илм-фан, технологиялар ва инновациялардаги иштирокини кенгайтириш, уларнинг давлат тузилмалари бошқарувидаги вакилликни оширишни ўз ичига олади. 148 нафар хотин-қизлар "Эл-юрт умиди" жамғармаси орқали хорижда таълим олиш имкониятига эга бўлди. Мазкур дастур хотин-қизларнинг етакчилик салоҳиятини шакллантириш чора-тадбирларини ҳам ўз ичига олади.

2025 йилда магистратурада таҳсил олаётган 15 000 нафар хотин-қизларнинг шартнома тўловлари давлат томонидан молиялаштирилди. Бу 2017 йилга нисбатан 3,5 баробар кўп. "Раҳбар

аёллар мактаби" лойиҳаси орқали ўқитиш ва малака ошириш ташкил этилди. 100 нафар хотин-қиз кундузги таълим, 20 000 дан ортиқ хотин-қизлар эса онлайн курсларда ўқимоқда.

Бугунги кунда 14 000 дан ортиқ аёллар университетларда ўқитувчи ва илмий ходимлар сифатида фаолият юритмоқда.

Хотин-қизларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича сезиларли натижаларга эришилди. Сўнгги 5 йилда юртимизда тадбиркор аёллар сони 2 баробар кўпайди.

БМТ Тараққиёт дастурининг 2025 йил апрель ойидаги ҳисоботида кўра, 2024 йилда Ўзбекистонда 2,1 миллион тадбиркор аёл фаолият юритган, бу 2020 йилга нисбатан етти барабар кўпдир.

Янги Ўзбекистонда аёл сиёсатчи - бу қатъиятли ва ўзига ишонган шахсдир. Аёл депутатлар сонини кўпайтириш - аёллар





Акбар ФАЗИЛОВ,
Бухоро нефтни қайта ишлаш
заводи директори.



ИҚТИСОДИЁТ

МАМЛАКАТИМИЗ ЭНЕРГЕТИК МУСТАҚИЛЛИГИ РАМЗИ



Мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим ўрин тутувчи Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи тарихи мустақилликнинг илк йилларига бориб тақалади. 1993 йилда заводнинг тамал тоши қўйилган бўлса, 1997 йили 22 августда унинг биринчи навбати ишга туширилди. Санокли кунлар олдин ўзининг йигирма саккиз ёшини қаршилаган ушбу гигант қувват учун ўтган давр шаклланиш, қийинчиликларни енгиб ўтиш, мислсиз меҳнат ютуқлари ва юксалиш йўли бўлди, десак янглишмаймиз. Хусусан, 2006 йилдан 2015 йилгача заводда қадам-бақадан ISO 9001, AS/EN 9100, ISO 14001, ISO 50001, OHSAS 18001 халқаро стандартлари жорий этилди. 2007 йилда «ЭКО» дизель ёқилғиси ва углеводородли эритмани, 2009 йилда эса Jet A-1 авиация ёқилғисини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Шу йўсинда корхона кўплаб салмоқли лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишга муваффақ бўлди.

2020 йилда гидротозалаш қурилмасидаги катализатор энг замонавийси билан алмаштирилди. Натижада Бухоро НКИЗ мамлакатимизда биринчилардан бўлиб Евро-4 ва Евро-5 стандартларига мос, экологик тоифадаги дизель ёқилғисини, шунингдек, QuWatt-95 брендидаги юқори октанли автомобиль бензинини ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. 2019–2025 йилларда уч босқичли модернизация қилиш доирасидаги ишлар самарасида завод истеъмол бозорига Евро-6 синфидаги дизель ёқилғисини етказиб бера бошлади.

Бугунга келиб Бухоро НКИЗ Янги Ўзбекистоннинг ёқилғи-энергетика мажмуида таянч устунлардан саналади ва, табиийки, мамлакат иқтисодий ривожига асосий драйверларидан биридир. Йилгига 2,5 миллион тонна нефть ва газ конденсатини қайта ишлаш қувватига эга корхонада илгор инновацион технологияларни татбиқ қилиш, янги материаллар, шу жумладан, янги катализаторларни ўрнатиш, эскирган ускуналарни алмаштириш орқали ишлаб чиқаришда юқори натижаларга эришилмоқда.

ҚАТЪИЙ СТАНДАРТЛАРГА ТАЯНГАН ҲОЛДА

Халқаро TECHNIP консорциуми иштирокида қурилган завод дастлабки қадамларданок қатъий стандартларга таянган ҳолда жаҳон бозори талабларига жавоб берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга киришди.

Бухоро НКИЗнинг технологик архитектураси углеводород хом ашёсини чуқур қайта ишлашнинг тўлиқ циклини таъминлайдиган замонавий ишлаб чиқариш қурилмаларини ўз ичига олади. Булар: углеводородларни атмосферада ҳайдаш; керосин демиркаптанизацияси; дизель ёқилғисини гидротозалаш; каталитик риформинг (катализаторнинг узлуксиз регенерацияси билан); газофраксиялаш ва аминли тозалаш; олтингугурт ажратиб олиш.

Заводнинг ишлаб чиқариш қувватлари турли русумдаги автомобиль бензинлари (АИ-80, АИ-91, АИ-92, АИ-95), преимум бензинлари (АИ-98, QuWatt-95), Jet A-1 авиация ёқилғиси, ЭКО L (ёзги) ва ЭКО Z (қишки), Евро K4 ва K5, M100 ва M40 русумларидаги мазут ёқилғиси, пиролиз газолин, суюлтирилган нефть гази, техник олтингугурт каби талабгир маҳсулотларни ўз ичига олади.

Бизнинг зиммамиздаги миссия – бу келажак ёқилғисини истикболда эмас, балки бугунданок ишлаб чиқаришдан иборат. Экологик тоза, импорт ўрнини босувчи маҳсулотларимиз билан тадрижий ўсиш суръатида эришиш, шунинг баробарида экспорт салоҳиятимизни юксалтириш мақсади ушбу вазифани самарали удаллашимизга замин яратади, албатта.

жорий қилишни тақозо этаётир. Бундан ташқари, сифат мезони истеъмолчилар танловида ҳал қилувчи роль ўйнайди. Чунончи, юқори сифат ишлаб чиқарувчи учун ҳамиша барқарор фойдани таъминлайди.

Шу нуқтаи назардан биз заводда менежмент тизимларини жорий этиш ва уларни доимий равишда ривожлантиришни асосий мақсадларимиздан қилиб олдик. Бугунги кунда заводимизда сифат бўйича ISO 9001; экология бўйича ISO 14001; энергетикада ISO 50001; соғлиқни сақлаш ва иш жойида меҳнат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ISO 45001, авиация, космик ва мудофаа корхоналари учун AS 9100 D ҳамда коррупцияга қарши

ЭКОЛОГИК ТРАНСФОРМАЦИЯ

Ресурслардан самарали фойдаланиш, атроф-муҳитга масъулиятли муносабатда бўлиш корхонамиз фаолиятининг ажралмас қисми ҳисобланади. Умуман олганда, экологик хавфсизликни бошқаришга нисбатан асосий ёндашув заводнинг атроф-муҳитга потенциал таъсирини тушунишга асосланган. Айнан шунинг учун ҳар қандай бошқарув ва инвестиция қарорларини қабул қилишда ишлаб чиқариш фаолиятининг экотизимга таъсири даражасини чуқур ўрганамиз.

Бухоро НКИЗнинг экологик

атмосферага зарарли газлар чиқиндиларини қисқартиришдан иборат. Ҳозирда базавий лойиҳалаш яқунланган бўлиб, техник-иқтисодий асослама ишлаб чиқилмоқда.

Биз учун модернизация – бу шунчаки технологик янгиланиш эмас, балки экология, иқтисодиёт ва ижтимоий масъулиятни бирлаштирувчи келажакка қадамдир.

КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Кўзланган стратегик мақсадлар сари жадал одимлаган ҳолда Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи ҳар доим фаолиятининг ҳар бир босқичида ўз кадриятларини яратишга интилади. Заводда кўп миллатли профессионаллар жамоаси меҳнат қилади. Минглаб ишчи-ҳодимларимиз саъй-ҳаракатлари ва истеъдодини корхонанинг бозордаги етакчи мавқеини таъминлаш учун бирлаштирган.

Кадрлар тайёрлаш тизими ҳодимлар бандлиги билан боғлиқ хавф-хатарларни камайтириш, меҳнат унумдорлиги, сифати ва хавфсизлигини оширишга қаратилган. Бундай ишларнинг асосий йўналишлари куйидагилардан иборат: ҳодимларни тайёрлаш ва уларнинг иш самарадорлигини баҳолашнинг замонавий усулларини жорий этиш, корпоратив ва мақсадли ўқув дастурларини шакллантириш, масофавий ўқитиш тизимини ривожлантириш, олий ўқув юртлири ва илмий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш.

Ҳар йили ҳодимлар малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларида ўқитилади, семинар ва тренингларда қатнашади, хорижий корхоналарда стажировка ўтайди. Кадрлар тайёрлашда ҳодимларга айнан ҳозир зарур бўлган ёки келажакда керак бўладиган кўникма ва технологияларни ўргатиш орқали ички ресурсларни ривожлантириш ҳамда улардан кенг фойдаланишга урғу бермоқдамиз.

Яна бир жиҳат – ишчи-ҳодимларнинг ижтимоий муҳофазаси ҳам доимий диққат марказимизда.

Маълумки, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи таркибига асосий қувватлардан ташқари Нефтни қўргони ҳам қиради. У ўтган йиллар ичида қичик шаҳарча миқёсига кўтарилди. Бу ерда барча қўлайликларга эга юзлаб шинам турар жой коттежлари қурилиб, замонавий маданий-маиший объектлар фойдаланишга топширилган. Қўргонда ёш мутахассислар учун меҳмонхона, мактаблар, иқтидорли болалар учун лицей, маданият уйи, спорт-соғломлаштириш мажмуаси ва стадион, 150 ўринли поликлиника, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари мавжуд.

КЕЛАЖАККА ПЕШВОЗ

Бухоро НКИЗ келажаги — бу юқори технологик стандартлар, экологик масъулият ва иқтисодий самарадорлик уйғунлиги.

Завод бундан кейин ҳам қайта тикланувчи энергетика улушини кенгайтиришда, ресурс тежовчи тизимларни жорий қилишда ва экологик муҳофазага қаратилган лойиҳаларни ривожлантиришда давом этади. Шунингдек, ижтимоий ташаббусларга, ҳодимлар малакасини оширишга ва маҳаллий ҳамжамиятлар билан ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратади.

Ишончимиз комилки, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи Янги Ўзбекистоннинг энергетик мустақиллиги рамзи, “яшил” трансформация етакчиси сифатидаги мақомини сақлаб қолади.



ТЕЗКОР ТЕХНОЛОГИК САКРАШ

Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи учун, айниқса, 2020–2024 йиллар тезкор технологик сакрашлар ва маҳсулотлар турини кенгайтириш даври бўлди. Завод нафақат дунё тенденцияларига эргашди, балки улардан ҳам илгарилаб, энг қатъий экологик ва эксплуатация стандартларига жавоб берадиган маҳсулотларни бозорга чиқарди.

Жаҳон экологик стандартининг пайдо бўлиши нафақат дунёдаги автомобиль ишлаб чиқарувчиларга (чунки двигателлар янги талабларга мос келиши керак), балки нефтни қайта ишлаш заводларига ҳам таъсир кўрсатди. Бинобарин, автомобилларнинг чиқинди газларидаги зарарли моддалар даражасини пасайтириш учун ёқилғи ҳам юқори сифатли бўлиши зарур.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, заводимизда модернизация жараёни, шунингдек, янги юқори технологик объектларнинг фойдаланишга топширилиши дизель ёқилғиси ишлаб чиқаришнинг Евро-6 га босқичма-босқич ўтишини ўз вақтида таъминлади.

Бундан ташқари, асосий ютуқларимиз – олтингугурт миқдори нияҳотда паст бўлган Евро-4, Евро-5 дизель ёқилғиларини ишлаб чиқариш, SSDF композитли ярим синтетик дизель ёқилғисини GTL компоненти асосида тайёрлаш сингари қатор инновацияларимиз заводнинг янги авлод ёқилғилари ишлаб чиқарувчиси сифатидаги мавқеини янада мустаҳкамлади.

Кун сайин ишлаб чиқариш жараёнларининг сифати ва хавфсизлиги бўйича қўйилаётган талаблар ортиб бормоқда, бу эса корхоналардан халқаро стандартларни амалиётга кенг




ISO 37001 халқаро менежмент тизими татбиқ этилган. Ва бу жиҳатдан корхонамиз Марказий Осиёда етакчи саналади. Айни сертификатлар нафақат ишлаб чиқаришдаги сифатни, балки юқори даражадаги корпоратив масъулият, шаффофлик ва технологик интизомни намоён этади.

Шу ўринда бир гап. Ўзбекистонда биз AS 9100 халқаро стандартининг D версиясини жорий этган ягона корхонамиз. Мазкур стандарт корхонанинг аэрокосмик сектор етказиб берувчилари (OASIS) халқаро маълумотлар базасига киритилишида устунлик беради.

Ёки ISO 50001 халқаро стандартини олиб қарайлик. Бу стандарт энергия ресурсларини самарали тежашга қаратилган бўлиб, биз уни 2015 йилда амалиётга киритганимиз ва шу тариқа энергия самарадорлигига босқичма-босқич эришиб келмоқдамиз.

Дастлаб корхонада фойдаланиладиган барча технологик асбоб-ускуналарни ва улар томонидан энергия ресурсларининг истеъмол қилинишини ҳисобга олган ҳолда энергетика таҳлили ўтказилди. Энергия профилларини тузиш, электр энергиясини кўп сарфлайдиган манбаларни тежамкор турларига алмаштириш ва технологик участкаларда частотали регуляторларни ўрнатиш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Технологик зоналарда ёқилғи газидан фойдаланиш чоралари қўрилди – шунчаки ёқиб юборилган газ энди қозонхонада ишлатилмоқда.

Шундай қилиб, биз корхона фаолиятини такомиллаштиришда йилдан-йилга кўпроқ йўналишларни қамраб олмоқдамиз. Мутахассисларимиз янги гоялар, янги инновацион ишланмалар устида изланаётгани ўзининг амалий натижасини бермоқда.



трансформацияси – бу бир марталик ташаббус эмас, балки тизимли стратегия. Мазкур стратегияга кўра, ҳозирга қадар Евро-дизель жорий этилиши ҳисобига олтингугурт оксидлари чиқиндилари 1901 тоннадан 113 тоннагача камайди. Бундан ташқари, “Яшил макон” миллий дастури доирасида сўнгги тўрт йилда 40 мингдан ортиқ дарахт кўчатлари экилиб, яшил майдонларимиз 55–60 фоизга ошди. Ишлаб чиқариш объектлари атрофида “яшил белбоғ” барпо этилди. 2023–2024 йилларда 200 мингта саксовул кўчатлари қадалди. Сув ресурсларини тежаш учун 30 гектарда томчилатиб суғориш тизимига ўтилди. Завод ҳудуди ва унга туташ майдонларда автоматик ҳаво мониторинги тизимлари ўрнатилди.

Шунингдек, ўтган йили қуввати 3 376,5 кВт бўлган қуёш электр станцияси ишга туширилди, натижада заводдаги қуёш станциялари умумий қуввати 5 870 кВт га етди. Бу ойига 12,7 фоиз электр энергиясини тежаш ва йилгига 7,5 млн кВт соат “яшил” энергия ишлаб чиқариш деганидир.

Давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 24 сентябрдаги «Чанг бўронларига қарши курашиш ва атмосфера ҳавосининг сифатини яхшилаш бўйича бирламчи чора-тадбирлар тўғрисида» қарорига биноан, 2028 йилдан бошлаб мамлакатимизда Евро-4 дан паст бўлган экологик тоифали ёқилғилардан босқичма-босқич воз кечилади. Ушбу ҳужжат ижроси доирасида биз 2025–2027 йилларга мўлжалланган кенг қўламли модернизация ва реконструкция лойиҳасини амалга оширмоқдамиз.

Лойиҳанинг асосий мақсади АИ-80 Евро-2 бензинини ишлаб чиқаришни тўхтатиш ва Евро-5 экологик тоифадаги АИ-92 ва АИ-95 ёқилғиларига тўлиқ ўтиш, тайёр маҳсулотдаги олтингугурт,

ХУДУДИЙ ТАШКИЛОТЛАРДА

ШОДИЁНАДА БИРГАЛИКДА

Мустақиллигимизнинг 34 йиллиги мамлакатимизнинг барча ҳудудларида кенг нишонланмоқда. Эътиборлиси, байрамлар ҳар йили ўз шиори, ғоясига эга бўлмоқда. Бу йилги байрам шодиёналари "Ватан учун, миллат учун, халқ учун!" шиори остида ўтказиляпти.

Халқ демократик партияси ташкилотларида ҳам Мустақиллик байрамига катта тайёргарликлар

кўрилди, маънавий-маърифий ҳамда тарғибот-ташвиқот, хайрия тadbирлари, кўнгилочар дастурлар ташкил этилмоқда. Мустақиллик шукуҳи юртдошларимизнинг руҳига ҳамоҳанг тарзда ҳар бир хонадонга кириб борапти, тантаналар шукроналик туйғусига тўлмоқда.

Буни фаолларимиз, депутатларимизнинг фикрлари ҳам яққол тасдиқлаб турибди.

БАХТИЁР БОЛАЛАР ДИЁРИ

Байрамлар яхшида. Ўйин-кулгу, болалар шодлиги сабаб қалбингиздаги ғуборлар ариб кетади. Шунинг учунми тантана кунларини ҳаммадан ҳам кўпроқ болалар орзиқиб кутишади. Тошкент шаҳрининг барча ҳудудларида мустақиллигимизнинг 34 йиллиги муносабати билан байрам тантаналари қувончларга йўғрилган ҳолда давом этмоқда.

"Ватан учун, миллат учун, халқ учун!" шиори остида бошлаб юборилган тадорик ишлари шаҳардан ташқаридаги оромгоҳларда дам олаётган болажонлар билан ҳам юқори савияда ташкиллаштирилмоқда.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши вакиллари, шаҳар ва туман кенгашлари депутатлари ҳамда фаол ёшлар Мустақиллигимизнинг 34 йиллиги муносабати билан Яшнобод туманидаги 30-сон "Меҳрибонлик уйи" тарбияланувчилари дам олаётган "Нур" болалар оромгоҳида бўлишди.

Тadbир доирасида болаларга алоҳида меҳр ва эътибор кўрсатилди. Улар учун қувонч ва илҳомга тўла, ранг-баранг лаҳзаларга бой концерт дастури тақдим этилди. Ёқимли сахна чиқишлари, жўшқин кўшиқ ва рақслар, завқли ўйинлар ҳамда қизиқарли мусобақалар ҳар бир боланинг кунларига ўчмас хотиралар қўшди. Болажонлар томонидан Ватан ҳақида шеър ва кўшиқлар айтилди.

Тadbирда ҳеч ким эътибордан четда қолмади. Ҳар бир юзда табассум, ҳар бир қалбда эса эзгу туйғулар порлаб турди.

Шунингдек, партия вакиллари томонидан байрам дастурхони ёзилиб, болаларга турли ширинликлар ва меҳр билан тайёрланган совғалар улашилди. Шу тариқа, кўтаринки руҳда ўтган учрашув нафақат болалар қалбига, балки катталарнинг ҳам қалбига эзгулик, меҳр ва бирдамлик туйғуларини олиб кирди.

Байрам кайфияти, болажонларнинг

беғубор кулгулари, гулгун чехраларидаги қувончи, кўзларидаги чарақлаб турган бахтиёрлик нурлари, тadbир ташкилотчилари кўнглида ҳам кўтаринкилик пайдо қилди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўз дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, имконияти чекланган ва алоҳида этиборга муҳтож ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳаётда фаол, билимли ва орзу-умидли инсонлар бўлиб етишишларига кўмаклашиш, қалбларида Ватанга муҳаббат, миллат ва халқ учун фидойилик туйғуларини мустаҳкамлаш йўлида бундай эзгу ташаббусларни изчил давом эттирмоқда.



Сирожиддин ШОНАЗАРОВ, ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси в.б.

Мамлакатимиз тарихида янги саҳифа очган Мустақиллик кунини кенг нишонлаш қалбларимизга ўзгача шукуҳ бағишлайди.

Шаҳар ва қишлоқларимиздаги кўркамлик, ободлик, шиддат билан олиб борилаётган бунёдкорлик ишларидан кўз қувнайди, дил яйрайди. Тўрмушимиз фаровонлиги, рўзгоримиз бутлиги учун яратилаётган шароитлар одамларимиз қалбига шукроналик туйғусини мустаҳкамламоқда.

МАҚСАДИМИЗ - ЁШЛАРГА ИМКОН БЕРИШ

Айни дамда энг улўғ, энг қадрли ва энг азиз байрамимиз – Мустақиллигимизнинг ўттиз тўрт йиллигини ҳам катта зафарлар, ютуқлар билан қарши оляпмиз. Ўзгариш ва янгиланишларни мамнуният билан нишонлар эканмиз, жойларда бир қатор маънавий-маърифий, тарғибот ҳамда хайрия тadbирларини ўтказяпмиз.

Барча тadbирларда Ватанга садоқат, она – юрт тараннуми, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлида олиб борилаётган ислохотлар, кенг қўламли яратувчанлик ва бунёдкорлик ишлари, халқаро майдонда, хусусан, спорт соҳасида Ўзбекистон эришаётган ютуқлар ҳаётий мисоллар, қиёсий таҳлиллар воситасида кенг тарғиб қилиняпти.

Айтайлик, Фарғона вилоят Кенгаши Данғара туманида ёшларнинг меҳнат бозоридаги рақобатбардошлигини ошириш, замонавий касб-хунар эгаллашига кўмаклашиш мақсадида "Имкон" акцияси ўтказилди.

Мустақиллик тақдим этган тенгсиз имкониятлар туфайли кўплаб ёш истеъдодлар кашф этилгани, сўнги йилларда ёшларга оид давлат сиёсати доирасида амалга оширилган ислохотлар самараси ўлароқ, бугун Янги Ўзбекистон ёшлари илм-фан, таълим, маданият, санъат, спорт соҳасида халқаро даражадаги катта ютуқларга эришиб, юртимиз байроғини кўкларга кўтараятгани алоҳида қайд этилди.

Тadbир доирасида бир гуруҳ фаол ва интилувчан ёшларга хорижий тиллар ҳамда замонавий касбларни ўрганишлари учун хусусий мактабларга имтиёзли йўланмалар топширилди.

Шунингдек, акция доирасида ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаролар, ногиронлиги бўлган шахсларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Айрим ногиронлик аравачасига эҳтиёжи бор ёшларга аравачалар топширилди. Ишонамизки, одамлар ҳаётини энгиллаштиришга қаратилган ҳар бир эзгу иш – жамиятдаги бирдамлик, меҳр ва ғамхўрликнинг ифодасидир.

Шунингдек, байрам арафасида юрагида ғурур, кўзида ишонч, ҳар бир ҳаракатида ҳаётга муҳаббат мужассам бўлган юртдошларимиз билан бирга Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят кенгаши ташаббуси билан "Ватан учун, миллат учун, халқ учун!" деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган ампутант футболчилар иштирокида футбол мусобақаси ўтказилди.

Ушбу тadbирни ташкил этишдан асосий мақсад ногиронлиги бор фуқароларимизга эътибор қаратиш, уларнинг жамиятдаги ўрнини янада мустаҳкамлаш, қолаверса, ёш авлодга чин жасорат қандай бўлишини ўз кўзи билан кўрсатишдан иборат.

Мазкур мусобақа шунчаки беллашув эмас. Бу иродаларнинг тўқнашуви, умидларнинг нишонланиши, ҳаётга янгича нигоҳ ва катта ишончдир. Шунинг учун бундай тadbирлар давомли ташаббусга айланиши кераклиги айтилди.

Мусобақада қатнашган ҳар бир футболчи ўз ҳаёт йўлида синовлардан ўтган, лекин асло таслим бўлмаган инсондир. Улар ногиронликни эмас, имкониятни кўришади. Ҳар бир тўп ортидан югуришларида, ҳар бир голда – "мен ҳам жамиятнинг тўлақонли аъзосиман!" деган ҳайқирикни ҳис қилишингиз мумкин. Ампутант футболчиларнинг ўйини давомиди стадионда ҳайрат, қувонч ва фахр биргаликда ҳукм сурди.

Мусобақа сўнггида барча иштирокчиларга Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят кенгаши томонидан эсдалик совғалари ва дипломлар топширилди. Зеро, бу мусобақанинг енг катта ғалабаси – жасорат, ироданинг тантанаси, ҳаётга муҳаббатнинг кучи бўлди.

Шохруҳ ЎКТАМОВ, ЎзХДП Фарғона вилоят кенгаши раиси.



Biznesni Rivojlantirish Banki

MUSTAQILLIGIMIZNING

34 yilligi

MUBORAK BO'LSIN!

Mustaqillik bayrami muborak bo'lsin!

Vatan uchun,
millat uchun,
xalq uchun!

TA'LIM KREDITI

BRB ilovasida onlayn rasmiylashtiring

0%



Talaba xotin-qizlar uchun

Imtiyozli davr 6 oy



Talaba yigitlar uchun

14%

Kredit muddati 7,5 yil



BRB ilovasini yuklab olish uchun QR-kodni skanerlang



*Kredit - oliy (davlat, xususiy, xorijiy universitetlar) va professional ta'lim tashkilotlarida bakalavri hamda magistraturaning kunduzgi ta'lim tashkil etish shaklida olib borilgan ta'lim dasturlari uchun ajratiladi.

*Ta'lim krediti talabalarining har qanday boshlang'ich darajadagi ta'lim dasturlari uchun ajratiladi.

*Asosiy qarz rasmiy o'qish muddati tugagandan so'ng yettinchi oydan boshlab 7 yil davomida qaytariladi.

**МУСТАҚИЛЛИК – БУ БАРЧАМИЗ УЧУН ЭНГ МУҚАДДАС
ВА АЗИЗ БАЙРАМДИР.**

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДАГИ

“ISHONCH PLAST MONTAJ” МЧЖ ЖАМОАСИ

барча юртдошларимизни

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ

34 ЙИЛЛИГИ билан самимий

қутлайди!

Барчангизга мустаҳкам соғлиқ,

оилавий бахт-саодат, тинчлик

ва фаровонлик тилаймиз.

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

МУСТАҚИЛЛИК – БУ ОЗОД ВА ЭРКИН ВАТАНИМИЗ УЧУН ЭНГ УЛУҒ ҒУРУРДИР.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДАГИ

“ODAMBOY XAVOJON QURILISH” МЧЖ ЖАМОАСИ

истиқлол айёми

билан барча

юртдошларимизни

муборакбод этади.

Мамлакатимизга

кўз тегмасин,

истиқлолимиз

янги зафар ва

марраларни забт

этиш учун қанот

бўлаверсин!

МУАССИС:



O'zbekiston Ovozi

ТАХРИР НАҲҲАТИ:

Ulug'bek INOYATOV

Ulug'bek VAFOYEV

Maqsuda VORISOVA

Qalandar ABDURAHMONOV

Gulliston ANNAQILICHEVA

Muslihiiddin MUHIDDINOV

Olim RAVSHANOV

Toshtemir XUDOYQULOV

Bosh muharrir: Nazira MATYAKUBOVA

MANZILIMIZ: 100029, Toshkent, Mустақиллик майдони 5/3

Телефонлар: (71) 239-12-14

Реклама бўлими: (91) 190-19-49. **E-mail:** uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: **Ravshan SHODIYEV**

Г — 837. 1620 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'zA yakuni —

Topshirilgan vaqti — 22:30

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.